

**Ёш мутахассисни иш билан таъминлашга кўмаклашиш тўғрисида  
ШАРТНОМА**

(Давлат гранти (контракт) асосида қабул қилинган талаба, олий таълим муассасаси ва потенциал иш берувчи ўртасида ихтиёрий асосда тузилади)

№ \_\_\_\_\_ « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й.

Самарканд давлат чет тиллар институти кейинги ўринларда «Олий таълим муассасаси деб номланади» номида муассаса Уставига асосланиб иш юритувчи ректор **И.М.Тухтасинов** бир томондан,

\_\_\_\_\_ номидаги корхона  
(ташкilot номи)

Уставига асосланиб иш кўрувчи \_\_\_\_\_  
(ташкilot рахбари, Ф.И.Ш.)

иккинчи томондан, (кейинги ўринларда «потенциал иш берувчи» деб номланади) ва олий таълим муассасасини \_\_\_\_\_ мутахассислиги бўйича 20 \_\_\_\_ йилда битирувчи

\_\_\_\_\_ да  
(манзили)

яшовчи \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда  
(талабанинг Ф.И.Ш.)

«Битирувчи деб номланади») учинчи томондан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 июндаги 198-сонли қарорининг 6-бандига асосан ёш мутахассисларни ишга жойлашишига кўмаклашиш мақсадида Ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## **I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

1.1. Давлат грантлари (контракт ) ҳисобидан олий таълимга эга бўлган ёш мутахассис (бакалавр, магистрлар) нинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва уларни иш билан таъминлашда кўмаклашиш.

## **II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ.**

### **2.1. Олий таълим муассасаси:**

2.1.1. Ноёб таълим йуналишлари ва мутахассисликлари бўйича эҳтиёж кўп бўлган тақдирда «Потенциал иш берувчи»ларни тендер асосида танлаш.

2.1.2. Талаба ўқув амалиётини ўташи учун «Потенциал иш берувчи»нинг интеллектуал ва моддий-техникавий базасининг имкониятларини ўрганиш ва шу асосда тегишли таклиф киритиш.

### **2.2. «Потенциал иш берувчи»;**

2.2.1. «Олий таълим муассасаси» ўқув режа ва дастурлари билан танишиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш талабларига мувофиқлаштириш юзасидан ўз сифатида катнашиш.

### **2.3. «Битирувчи»;**

2.3.1. Ўқиш фаолияти даврида белгиланган амалиётларни «Потенциал иш берувчи» корхонасида ўтиши.

2.3.2. Таълим муассасасини битиргандан сўнг эга булган мутахассислиги доирасида иш билан таъминлашни талаб қилиш.

## **III. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **3.1. Олий таълим муассасаси**

3.1.1. «Битирувчи»ни Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган малакали мутахассис этиб тайёрлаш.

3.1.2. «Потенциал иш берувчи» га «Битирувчи» тўғрисида тегишли тавсияномалар бериш ҳамда «Битирувчи»нинг корхонадаги меҳнат фаолияти мониторингини олиб бориш.

3.1.3. «Битирувчи» ишга жойлашгандан кейин 3 йил давомида унга зарур услубий ёрдам кўрсатиш.

3.1.4. Шунингдек, томонларнинг розилигига асосан куйидаги шартларни бажариш мажбуриятини ҳам олади:

- а) \_\_\_\_\_
- б) \_\_\_\_\_
- в) \_\_\_\_\_

### 3.2. «Потенциал иш берувчи»:

3.2.1. «Битирувчи»ни тегишли тартибда Ўзбекистон Республикасининг машғулотлар миллий стандарти Таснифлагичи (Классификатори)га мувофиқ иш билан таъминлаш.

3.2.2. «Битирувчи»га меҳнат фаолияти давомида услубий ёрдамлар кўрсатиш.

3.2.3. Куйидаги ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар кўрсатиш:

- а) \_\_\_\_\_
- б) \_\_\_\_\_
- в) \_\_\_\_\_

### 3.3. «Битирувчи»

3.3.1. Ўз мутахассислиги бўйича малака тавсифномасида назарда тутилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари талаблари асосида мустақил фаолият олиб бориш учун мустақил билим ва малакага эга бўлиш.

3.3.2. «Потенциал иш берувчи» корхонасига таълим муассасасини тўлиқ битиргандан сўнг 2 ой муддатда етиб келиш.

3.3.3. «Потенциал иш берувчи»нинг корхонасида камида 3 йил уз мутахассислиги бўйича ишлаб бериш.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. Томонларнинг бири Ушбу шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда бошқа тарафга етказилган зарарни амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тулайди.

## V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

5.1. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома куйидаги ҳолларда қонунда белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин:

5.1.1. «Битирувчи»нинг малакаси, билими ушбу мутахассис учун амалда ўрнатилган Давлат таълим стандартлари талабларига жавоб бермаса.

5.1.2. «Потенциал иш берувчи» иш берувчи томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда.

5.2. Ушбу шартнома томонларнинг барчаси имзоланганидан сўнг кучга киради ҳамда шартнома тўлиқ бажарилгунга қадар амалда бўлади.

## ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Олий таълим муассасаси»  
СамДЧТИ

Манзили: Бўстонсарой,93  
Тел: 233 44 85

Имзо \_\_\_\_\_  
Сана: \_\_\_\_ 20\_\_ й.

«Потенциал иш берувчи»

\_\_\_\_\_ (номи)  
Манзили: \_\_\_\_\_  
Тел: \_\_\_\_\_

Имзо \_\_\_\_\_  
Сана \_\_\_\_\_

«Битирувчи»

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)  
Манзили: \_\_\_\_\_  
Тел: \_\_\_\_\_  
Паспорти  
Серияси \_\_\_\_\_  
(берилган муддати ва жойи)

Имзо \_\_\_\_\_  
Сана \_\_\_\_\_